

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИННИГ РАИСИ  
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫФЫ**

**Н.Ерлепесовга  
Е.Аташовга  
М.Жумановга  
А.Исмаиловга  
А.Сейтимбетовга  
Р.Рисназаровга  
Ж.Идиятуллаевга**

**“Ахборот-коммуникация технологияларини  
ривожлантириш маркази” ДУК (Қ.Серикбаев)га**

**Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги**

**ҚР худудий бошқармаси (Т.Баекеев)га**

**Халқ таълими вазирлиги (Р.Реимов)га**

**Вазирликлар ва идоралар раҳбарлариға  
(рўйхат бўйича)**

**Шаҳар ва туманлар ҳокимликлариға**

**ЎзР Президентининг 2021 йил 24 июлдаги  
ПФ-6268-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун  
қабул қилинсин.**

**Бажарувчи: И.Сдиков  
К.Серикбаев  
Назорат: Р.Рисназаров**

**К.САРИЕВ**

**26.07.2021й.**

**№ 1/461**



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil «24» iyul

№ПФ-6268

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, “рақамли иқтисодиёт” ва “электрон ҳукумат” соҳаларини янада ривожлантириш борасидаги ишларни ташкил этишда зарур шарт-шароитлар яратишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIQASI  
MINISTRLER KENESI  
KIRIS 1/461 sanli 12.  
“26” icerib 2021

Узбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 24 июлдаги ПФ-6268-сон Фармонига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги  
“Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш  
учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПФ-5099-сон Фармонида:

- а) 1, 3, 4, 6 ва 6<sup>1</sup>-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;
- б) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилаб қўйилсинки, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот  
технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – Технопарк)  
ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни  
ривожлантириш учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадида бутун  
республика ҳудудида Технопарк резидентларини жойлаштирган ҳолда  
Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик  
принципи асосида ташкил қилинади”;

- в) 5-бандда:

Биринчи хатбошидаги “Инновация маркази” сўzlари “Технопарк” сўзи  
 билан алмаштирилсин;

Иккинчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўzlари “ижтимоий  
солиқни” сўzlари билан алмаштирилсин;

- г) 8-бандда:

Биринчи хатбошидаги “Инновация маркази” сўzlари “Технопарк” сўзи  
 билан алмаштирилсин;

Иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
хўзуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 4,5 фоизли ставка  
бўйича фуқароларнинг суғурта бадалларига” сўzlари чиқариб ташлансин;

д) 10 ва 12-бандлардаги “Инновация маркази” сўzlари “Технопарк”  
сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари  
соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПФ-5349-сон Фармонида:

- а) 1-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг тўққизинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“телекоммуникация ва почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқларида ахборот хавфсизлиги бўйича замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”;

в) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПФ-5598-сон Фармонида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги “Агентлик” сўзи “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги Ўринларда – Вазирлик)” сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртинчи–олтинчи хатбошилардаги “Агентликнинг”, “Агентликда” ва “Агентлик” сўzlари тегишлича “Вазирликнинг”, “Вазирликда” ва “Вазирлик” сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-5624-сон Фармонида:

а) 7-банддаги “Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация маркази” сўzlари “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 8-банд ва 13-банднинг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 9-бандда:

“а” кичик банддаги “Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича “Mirzo Ulugbek Innovation Center” инновация марказининг” сўzlари “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг” сўzlари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банддаги “Агентлик” сўзи “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

“в” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК” сўzlари “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ” сўzlари билан алмаштирилсинг;

қўйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсинг:

“г) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида истеъододли ёшларни аниқлаш учун аниқ соҳалар (ижтимоий-иқтисодий, экологик, давлат бошқаруви ва бошқалар) бўйича ҳар йилги танловларни ўтказади”;

Г) 11-банднинг учинчи хатбошисидан “, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг самарали фаолият юритиши” сўzlари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5635-сон Фармонининг З-иловаси 11-банди қўйидаги мазмундаги 11.1., 11.1.1., 11.1.2., 11.1.3. ва 11.2.-позициялар билан тўлдирилсинг:

11.1	Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (E-Government Development Index)	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги <i>(Ш.Садиков)</i>
11.1.1.	Телекоммуникация инфратузилмаси индекси (Telecommunication Infrastructure Index)	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги <i>(Ш.Садиков)</i>
11.1.2.	Инсон капитали индекси (Human Capital Index)	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги <i>(А.Тошкулов),</i> Халқ таълими вазирлиги <i>(Ш.Шерматов)</i>
11.1.3.	Онлайн хизмат кўрсатиш индекси (Online Service Index)	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

		(Ш.Садиков), Давлат хизматлари агентлиги (У.Мухаммадиев), вазирлик ва идоралар
11.2.	Электрон иштирок этиш индекси (E-Participation Index)	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков), вазирлик ва идоралар

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонининг 1-иловаси 8-банди “в” кичик банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ўқувчилар учун рақамли технологиялардан фойдаланишининг умумий даражасини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларининг асосий ўқув дастурларига доимий ўзгартиришлар киритиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги ташкилотларнинг ўқув жараёнларига қатнашишини рағбатлантириш орқали умумтаълим мактабларида информатика фанини ўқитиш методларини такомиллаштириш;

мактабларда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенг ҳудудда жорий қилиш”.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-5930-сон Фармони 14-бандининг учинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукumat ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУКнинг сўzlари “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукumat ва рақамли иқтисодиётни идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича” сўzlари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўринини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш түғрисида”ги ГФ-6003-сон Фармонида:

а) 9-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари раҳбарлари “Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда” ягона порталида эълон қилинадиган ахборотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади”;

б) 3-илованинг:

4.1.2-позициянинг “Масъул давлат органлари” устуни “Халқ тъълими вазирлиги (Ш. Шерматов)” сўzlари билан тўлдирилсин;

4.1.3-позициянинг “Масъул давлат органлари” устуни “Давлат хизматлари агентлиги (У Мухаммадиев)” сўzlари билан тўлдирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Корея Республикасининг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси молиявий иштирокида “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни ишлаш марказини ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2783-сон қарори рус тилидаги матни 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий “Узинфоком” сўzlари “ГУ “Центр управления проектами электронного правительства” сўzlари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарорида:

а) 9-банддаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказига” сўzlари “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасига” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 11-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги “рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги” сўzlари “блокчейн технологиясини жорий этиш ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш бўйича” сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни ва “блокчейн” технологияларини жорий этишни назарда тутадиган

норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари” сўзлари “крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантиришни ва “блокчейн” технологияларини жорий этишни назарда тутадиган норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва техник топшириқларнинг лойиҳалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3989-сон қарорининг 3-банди тўртинчи хатбоисидаги “Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази” сўзлари ““Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори 18-иловасининг рус тилидаги матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Нормативы  
распределения платы за использование абонентского номера,  
уплачиваемой юридическими лицами, оказывающими услуги  
мобильной связи (сотовыми компаниями)**

Наименование получателя средств от платы	в процентах от оставшейся части суммы платы*
Специальный расчетный счет Фонда развития информационно-коммуникационных технологий для финансирования межведомственных проектов электронного правительства и цифровой экономики	35
Фонд научно-инновационного развития при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий	1
Фонд развития скорой медицинской помощи при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан	19
Фонд развития информационно-библиотечных учреждений при Национальной библиотеке Узбекистана имени Алишера Навои – информационно-ресурсном центре	2

Фонд развития информационно-коммуникационных технологий при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан (с целевым использованием для реализации инвестиционных проектов и программ информатизации и развития телекоммуникационных сетей)	остаточная сумма
---	------------------

\* проценты начисляются от оставшейся части платы суммы после направления средств на специальный расчетный счет Фонда развития информационно-коммуникационных технологий для финансирования межведомственных проектов электронного правительства и цифровой экономики".

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4112-сон қарорининг З-иловаси (Устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига бериладиган хўжалик жамиятлари рўйхати)дан 5–8 ва 10–11 позициялар чиқариб ташлансин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 15 февралдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги ПҚ-4193-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги" сўzlari "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги" сўzlari билан алмаштирилсин.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 9 апрелдаги "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш ҳамда мамлақатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4273-сон қарорида:

а) 2-банднинг "б" кичик бандидаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)" сўzlari "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)" сўzlari билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг "б" кичик бандидаги "Агентликнинг" сўзи "Вазирликнинг" сўзи билан алмаштирилсин;

в) 12-банднинг биринчи хатбошисидан "ва Агентлик" сўzlari чиқариб ташлансин;

г) 16-банднинг биринчи хатбошидаги "Агентлик" сўзи "Вазирлик" сўзи билан алмаштирилсин;

д) 1-илованинг 5, 7, 8, 10, 11, 12 ва 18-позицияларидаги “ЛБМА (Д. Ли)” ва “ЛБМА (Д. Ли), Мирзо Улуғбек инновацион маркази (Н. Дежканов)” сўзлари тегишлича “Ахборот технологиялари вазирлиги (Ш. Садиков)” ва “Ахборот технологиялари вазирлиги (Ш. Садиков), Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4321-сон қарорида:

- а) 2-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
  - б) 3-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин;
- “б) “Электрон ҳукумат” ва рақамли иқтисодиёт тизими доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш:

давлат бошқаруvida ахборот тизимларини жорий этиш, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, электрон ҳамкорлигини таъминлаш учун идоравий ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва фаолият юритиш қисмида – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ахборот тизимларини назорат қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш қисмида – Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси;

идоравий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш қисмида – вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан таъминланади”;

в) 4-банднинг “а” кичик бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4328-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи хатбоисидаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги кошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" ДУКнинг" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" ДМнинг" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбоиси чиқариб ташлансин;

в) 4 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 6-банддаги "Агентлик" сўзи "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

д) иловада:

35-банддан "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви ахборот тизими орқали" сўзлари чиқариб ташлансин;

41-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"41. Лойиҳани фойдаланишдан чиқариб ташлаш учун мазкур Низомнинг 40-бандида кўрсатилган бир ёки бир нечта сабаблар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига лойиҳани фойдаланишдан чиқариш бўйича таклиф киритади. Бунда, Вазирлик таклифни белгиланган тартибда кўриб чиқади ва лойиҳадан фойдаланишнинг молиявий-иктисодий жиҳатдан самарасизлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги, жумладан техник воситалар ва дастурий таъминот самарадорлигининг пастлиги каби бир нечта сабабларни топганда лойиҳани фойдаланишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қарори устидан ташаббускор (буюртмачи) томонидан судга шикоят қилиниши мумкин";

2-илованинг грифи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" ДМга

3-илованинг грифи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги "Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази" ДМ директори

**4-илованинг грифи қўйидаги таҳтирида баён этилсин:**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги хузуридаги

“Электрон ҳукумат лойиҳаларини  
бошқариш маркази” ДМ директори

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4463-сон қарори 4-иловасининг 14, 16 ва 17-позицияларидаги “Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д. Ли)” сўзлари “Ахборот технологиялари вазирлиги (Ш. Садиков)” сўзлари билан алмаштирилсин.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4502-сон қарори 1-иловасининг 7-позициясидаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази” ДУК” сўзлари “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 24 июлдаги ПФ-6268-сон Фармонига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айrim қарорлари  
РУЙХАТИ**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги  
“Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий  
кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги  
ПҚ-2455-сон қарорига 36-илованинг 25-банди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 февралдаги  
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартишлар киритиш  
тўғрисида”ги ПҚ-2791-сон қарорига илованинг 3-банди.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги  
“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви  
тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПҚ-3245-сон қарори 7-банди, 12-банди биринчи хатбошиси ҳамда  
13-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошилари.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги  
“Ўзбекистон Республика Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги  
ПҚ-3549-сон қарори 2-банди.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги  
“Ўзбекистон Республикаси ахолисига ахборот-кутубхона хизмати  
кўрсатишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4354-сон қарори  
3-банди.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон  
Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон  
Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини  
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сон қарорига  
7-илованинг 11-банди.

